

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Фазлиддинов Шохруҳ Шамсиддинович –

*Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар
институтини мустақил изланувчиси,
e-mail: fshshohruh@gmail.com*

Аннотация: Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида йўналишлар бўйича бир қатор электрон дастурлар, базалар ишлатилиши, уларни оптималлаштириш, университет фаолиятини қулай ва самарали бошқариш учун ягона базани яратиш ва йўлга қўйиш, айнан вақт менежментига ҳам ижобий таъсир этиши, айниқса, турли шакл ва жадвалларни қайтақайта тўлдириш ва турли сўровларга тинимсиз жавоб бериш ўрнига кафедра ва таркибий бўлинмаларда натижага йўналтирилган фаолият билан шуғулланиш имконияти ошиши кабилар ҳамда камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш мақсадида докторлик таълимини ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини белгилаш, докторлик таълимини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва уларни амалга ошириш натижасида ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимида татбиқ этишдаги бир қатор муаммоларга дуч келиниши тўғрисида, Ўзбекистон олий таълимининг мақсадларига эришиш учун асос бўлади ва унда олий таълимнинг учинчи циклини янада ривожлантириш, илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимини узоқ муддатли ривожлантириш юзасидан бир қанча таклифлар берилиб фикр мулоҳазалар билдирилган.

Калим сўзлар: Илмий даражали кадрлар, карьера, олий таълим, илмий ташкилотлар, тадқиқот, муаммо, камчилик, мослаштириш, илмий-тадқиқот, олий таълимдан кейинги таълим, ваколат, ютуқ, афзаллик, ечим, докторантура, молиялаштириш, меъзон, бизнес, саноат, таҳлил, молиявий мустақиллик, фаолият, жавобгарли, имконият, маданий анъаналар ва кадриятлар, таълим, мослашувчанлик, талабалар, истиқболлар, ҳамкорлик.

КИРИШ: Олий ва ундан кейинги таълим даргоҳларининг бир қаноти таълим бўлса, иккинчи қаноти тарбия, пойдевори илмфандир. Илмий асоси бўлмаган масалани ижобий ҳал этиш имконсиз. Шу боис, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, илмфан ютуқларини амалиётга жорий этиш учун инновацияларни ривожлантириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда тўсиқ бўлаётган бюрократия ва қоғозбозликни камайтиришда олий таълимдан кейинги таълим тизимида рақамлаштириш, электрон ҳужжат алмашуви, барча фаолиятни қамраб олган катта электрон базаларни яратиш ва мунтазам ишлатиш зарур. Ҳозир олий таълим муассасаларида йўналишлар бўйича бир қатор электрон дастурлар, базалар ишлатилмоқда. Уларни оптималлаштириш, университет фаолиятини

кулай ва самарали бошқариш учун ягона базани яратиш ва йўлга қўйиш айнан вақт менежментига ҳам ижобий таъсир этади. Айниқса, турли шакл ва жадвалларни қайтақайта тўлдириш ва турли сўровларга тинимсиз жавоб бериш ўрнига кафедра ва таркибий бўлинмаларда натижага йўналтирилган фаолият билан шуғулланиш имконияти ошади. Бугунги кунда Президентимиз томонидан олий таълим муассасалари раҳбарлари олдига қўйилган энг муҳим талаб — ватанпарвар бўлиш. Бунинг замирида катта маъно борлигини ҳар биримиз чуқур масъулият билан ҳис этишимиз шарт. Ўз соҳамизнинг келажаги олдида масъулликимизни бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз зарур. Жамоасини яхлит оиладек тасаввур қилиш ва ўзидан яхши ном қолдириш учун масъул бўлган ҳар бир раҳбар ишониб топширилган вазифани сидқидилдан бажарсагина Ватанга садоқатини намоёйиш эта олади [1].

Ўзбекистонда илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрь “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 696-сон [2] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрь “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарорларига асосан олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимни ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. [3]

Масалан: Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик берилди бошланди. Лекин шунга қарамадан камчиликлар ва хатолар кўзга ташланиб туради уларни бартараф этиш мақсадида докторлик таълимини ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини белгилашда қуйидагича таклифлар берилди:

1. Университет ва илмий тадқиқот муассасаларининг ички ташкил этиш ва бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатларини кенгайтириш;
2. Таълим сифатини баҳолашнинг умумий меъзонлари ва усулларини ишлаб чиқиш;

3. Интеграциялашган фанлараро ўқув дастурлари ва қўшма даражаларни яратиш;

4. Дунё ҳамжамиятидаги таълим жараёнлари барча мамлакатлар томонидан ратификация қилиниши керак бўлган даражаларни тан олиш тўғрисидаги Лиссабон Конвенцияларга мувофиқ бўлиши.

Дунё ҳамжамиятидаги таълим жараёнлари барча мамлакатлар томонидан ратификация қилиниши керак бўлган даражаларни тан олиш тўғрисидаги Лиссабон Конвенциясига мувофиқ бўлиш шахсий ва академик эҳтиёжларни, шунингдек, меҳнат бозори сўровларини қондириш мақсадида Европа олий таълим макони учун малакалар доирасини (Qualifications frameworks in the European Higher Education Area - QF-EHEA) ишлаб чиқиш зарурлигини англатади. Мисол учун Биринчи циклнинг даражалари иккинчи цикл дастурларига киришни таъминлаши керак. Иккинчи цикл даражалари докторантурага кириш ҳуқуқини очиши керак. Шу асосда докторантурага қабул қилишнинг асосий талабларидан бири – магистратурани тамомлашни белгилаш. Шу билан бирга, кўплаб мамлакатларда магистрлик даражаси илмий кадрлар тайёрлаш тизимидаги дастлабки тайёргарлик босқичи ҳисобланади.

Шундай қилиб, энг аввало, учинчи цикл шаклида олий таълимнинг узлуксиз жараёнининг давоми сифатида илмий кадрлар тайёрлаш тизимини янгилаш тушуниш керак. Илмий кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш зарурати, биринчидан, докторлик таълими тизими ва дастлабки икки цикл (бакалавр ва магистр даражалари) ўртасида узлуксизликнинг йўқлиги билан; иккинчидан, илмий даража эгалари учун меҳнат бозорини кенгайтириш зарурати билан; учинчидан, халқаро илмий даражаларни таққослаш мезонлари йўқлиги билан боғлиқдир.

Бизнинг асосий мақсад ва вазифаларимиз илмий кадрлар тайёрлаш тизимидаги муаммолар ва қарама-қаршилиқларни аниқлаш, шунингдек докторантуранинг турли жиҳатларини олий таълимнинг учинчи цикли сифатида жорий қилишдан иборат. Докторлик таълимини ривожлантиришнинг ўнта асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўриб чиқиш таклиф этилади:

Хусусан, биринчи тамойил – оригинал илмий тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида қўшимча ваколатларни олиш зарурати ҳисобланади. Иштирокчиларнинг докторлик дастурларининг асосий элементлари ўқитиш ва тадқиқот устида ишлаш бўлиши кераклиги ҳақида умумий фикри билдирилади. Докторантларни тайёрлаш меҳнат бозори эҳтиёжларини қондириши керак. Фақат таълимгина докторантларга, масалан: муаммоларни ҳал қилиш, инновацион, ижодий ва танқидий фикрлаш, билимларни таҳлил қилиш ва синтез қилиш, шунингдек стратегияларни ишлаб чиқиш каби асосий кўникмаларни эгаллашга имкон беради, тадқиқотлар устида ишлаш эса докторантуранинг олий таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи циклларидан ажратиб турадиган асосий элемент ҳисобланади.

Иккинчи тамойил – олий таълим муассасаларининг илмий кадрлар тайёрлаш учун жавобгарлиги. Университетлар докторантлар томонидан ишлаб чиқилган мавзуларнинг долзарблиги учун жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари керак, бу эса битирувчиларнинг мартаба бўйича кўтарилиши ва ривожланиши учун имкониятлар яратиши мумкин.

Учинчи тамойил – докторлик дастурларининг, шу жумладан кўшма дастурлар хилма-хиллиги. Келажақдаги ривожланиш учун турли илмий, институционал ва маданий анъаналар ва кадриятларни тан олиш ва тушуниш муҳимдир.

Тўртинчи тамойил шундан иборатки, докторантлар янги билимларни яратишга ҳисса қўшадиган, университетда менежментнинг барча даражаларини эгаллаган янги тадқиқотчилар, мутахассислар, шериклар мақомига эга бўлади. Шу билан бирга, илмий даражалар профессионал карьерадаги биринчи қадам сифатида тан олинади.

Бешинчи тамойил – илмий кадрлар тайёрлаш тизимидаги шартномавий асос. Бошқариш, аттестация, назорат қилиш ва баҳолаш механизмлари масалалари докторант, раҳбар ва муассаса (шу жумладан, зарурат юзага келган ҳолларда, бошқа ҳамкорлар) ўртасида мажбуриятларни тақсимлашга асосланади. Бироқ, назорат шартлари кўпинча ноаниқ, шаффоф эмас ва тартибга солинмайди, шунингдек, мамлакат ёки университетга қараб фарқланади.

Олтинчи тамойил муҳим даражага эришиш ҳисобланади, бу мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини, рақобатбардош миллий тадқиқот ва ишланмалар тизимининг фаолиятини таъминлаш, турли илмий соҳаларни ривожлантириш учун докторантлар сонини ва мос равишда, илмий раҳбарларнинг сонини кўпайтиришни назарда тутди.

Еттинчи тамойил – тўлиқ иш куни режимида таълимнинг уч йилдан тўрт йилгача давом этиши.

Саккизинчи тамойил – докторантларнинг фанлараро тайёргарлигига, умуминсоний билим ва профессионал кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган инновацион тузилмаларни рағбатлантиришдир. Бизнес-структуралар вакиллари ёш тадқиқотчиларнинг ижодий, коммуникатив, маданиятлараро ва ижтимоий кўникмалар, шунингдек, тадбиркорлик кўникмаларига эга бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

Тўққизинчи тамойил - докторантлар ва илмий раҳбарларнинг ҳаракатчанлиги. Докторлик дастурлари географик, фанлараро ва тармоқлараро ҳаракатчанликка мос келиши ва халқаро ҳамкорликка хизмат қилиши лозим.

Ўнинчи тамойил етарли маблағлар билан таъминлашга тегишли.

Шундай қилиб, илмий кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил қилишнинг умумий ёндашувида асос солса бўлади. Уларда асосий эътибор фан соҳасидаги

билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга, шунингдек, тадқиқотчилик ва профессионал компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ўқув дастурини ишлаб чиқишга қаратилади. Юқоридаги айтиб ўтилган тамойиллар илмий кадрлар тайёрлаш дастурларининг структураси, ташкил этилиши ва мазмунига тубдан таъсир кўрсатади. Бироқ, ушбу тамойилларни илмий кадрлар тайёрлаш тизимига татбиқ этишда бир қатор муаммоларга дуч келиниши мумкин:

- олий таълимнинг биринчи, иккинчи ва учинчи цикларида фанларнинг такрорланиши;

- талабаларга йўналтирилган ёндашувнинг йўқлиги;

- илмий раҳбарларнинг профессионал компетенцияларини ривожлантириш зарурати;

- илмий тадқиқотларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари етарли даражада диверсификация қилинмаслиги.

Илмий даражали кадрлар тайёрлаш бўйича асосий қоидалар қуйидагилардан иборат бўлиши керак деб ҳисоблаймиз:

- докторантларни бошланғич тадқиқотчилар сифатида, докторантура эса — карьеранинг бошланиши деб тан олиш;

- молиялаштириш ва иш ҳақининг адолатли ва жалб этувчанлиги;

- гендер баланси (персоналнинг барча даражаларида);

- касбий ривожланишни рағбатлантириш;

- докторантлар ҳаракатчанлиги муҳим жиҳат сифатида тан олинishi;

- докторантларнинг илмий-тадқиқот тайёргарлиги ва уларнинг узлуксиз ривожланиши, касбга йўналтирилиши;

- интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- мамлакат ичида ҳам, чет елда ҳам докторантлар ва тадқиқотчилар ўртасида ҳаммуаллифлик ижобий ҳодиса сифатида кўриб чиқилиши керак;

- ўқиш тадқиқот устида ишлашнинг зарур, аммо ҳал қилувчи шарт бўлмаслиги керак;

- баҳолаш, шикоятлар ва шикоят қилиш тартибларини таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган қоидалар Ўзбекистон олий таълимининг мақсадларига эришиш учун асос бўлади ва унда олий таълимнинг учинчи циклини янада ривожлантириш бўйича таклифлар яратилди:

- оригинал тадқиқотлар орқали билимларни тарғиб қилиш;

- структураланган докторлик дастурлари ишлаб чиқиш ва уларни шаффоф баҳолаш зарурати;

- докторантларнинг фанлараро тайёргарлиги ва иш билан таъминланишини кўзлаган ҳолда трансверсал кўникмаларни ривожлантириш;

— ўқув юкмасининг ягона муддатлари – тўлиқ иш куни режимида 3-4 йил;

— докторантурага кириш учун номзодлар сонининг ортиши;

— докторантларнинг ҳам талабалар, ҳам янги бошлаган тадқиқотчилар сифатида тан олинishi.

Охирги беш йилликда Ўзбекистон олий таълим маконини шакллантиришда сезиларли ютуқларга эришди. Хусусан, меҳнат бозори эҳтиёжларига жавоб берадиган компетенциялар бўладиган таълим дастурларини ишлаб чиқиш, докторантларнинг таълим дастурларини уларнинг стратегияси ва сиёсатига сингдириш ва докторантлар учун карьера йўналишини ривожлантириш бўйича университетларнинг саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, олий таълимнинг учинчи циклини ривожлантириш бўйича қуйидаги асосий йўналишлар бўйича таклифлар берилади:

— шахсий ўсиш, халқаро ҳамкорлик ва олий таълим ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш имконияти сифатида ҳаракатчанликни ривожлантириш;

— меҳнат бозори эҳтиёжлари ва узлуксиз таълим вазифаларига мувофиқ таълим дастурларини ишлаб чиқиш, бандлик даражасини ошириш;

— Дунё ҳамжамиятидаги таълим жараёнлари барча мамлакатлар томонидан олий таълим малака, ўқиш даврлари ва илгари олинган таълимнинг тан олинishi. Осон тушуниладиган ва таққосланадиган даражалар, таълим тизимлари ва малака доиралари тўғрисида маълумот олиш фуқароларнинг ҳаракатчанлиги ва Ўзбекистон олий таълимнинг жалб этувчанлиги ва рақобатбардошлиги учун зарур шартлар ҳисобланади;

— таққослаш ва шаффофликка эришишнинг муҳим механизми сифатида малакалар доирасини қабул қилиш.

2015 йилдан олдинги даврларда Ўзбекистонда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришда янги кўплаб эътибор берилмаган, бу эса юқори турувчи ташкилотлар ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ эди. Шунинг учун охирги беш йилликда асосий эътибор илгари ва кейинги истиқболларда белгиланган вазифаларга қаратилди. Шуларни инобатга олиб, илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимини узоқ муддатли ривожлантиришда қуйидаги вазифалар таклифи киритилади:

— таълим муҳитини яхшилаш, таълимдаги барча тўсиқларни бартараф этиш ва таҳсил олаётганларга барча даражаларда таълим имкониятларидан фойдаланишга имкон берадиган зарур иқтисодий шароитларни яратиш;

— мослашувчан таълим йўналишлари ёрдамида малакага эга бўлиш, жумладан, тўлиқ бўлмаган иш режимида ва иш жойида ўқитиш орқали малака

олиш, давлат органлари, олий таълим муассасалари, талабалар, иш берувчилар ва ишчилар ўртасида мустақкам ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш;

— талабалар ва битирувчиларга ишга жойлаштириш ва карьерани ривожлантириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, улардан фойдаланиш ва очиқлик шарт-шароитларни яхшилаш;

— илмий-тадқиқот компетенцияларига эга одамлар сонининг кўпайиши; докторлик дастурлари турли фанлар бўйича юқори сифатли тадқиқотларни таъминлаш ва фанлараро ҳамда тармоқлараро дастурлар билан тобора кўпроқ тўлдирилиши керак;

— давлат идоралари ва олий таълим муассасалари янги бошлаган тадқиқотчиларнинг карьера истиқболларини янада жалб этувчан қилишлари керак;

— талабалар, бошланғич тадқиқотчилар ва олий таълим ходимларининг ҳаракатчанлигини ривожлантириш, бу дастурлар ва тадқиқотлар сифатини яхшилайти, Ўзбекистон олий таълимининг академик ва маданий байналмилаллашувини кучайтиради. Истиқболдаги прогноз сифатида кейинги беш йил ичида Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги битирувчиларининг 20 фоизи ўқишини тугатганидан кейин чет элда тадқиқот олиб бориши кераклиги аниқланди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки Ўзбекистонда илмий даражали кадрлар тайёрлаш ташкилотларининг ваколатларини кенгайтиришни ҳозирги замон талабларига мос равишда амалга оширишимиз шарт ва зарурдир акс ҳолда соҳадаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш ўрнига уларни кўпайишига сабабчи бўлишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://yuz.uz/news/oliy-talimda-yangi-qadamlar-rahbar-masuliyati-kadrlar-salohiyati-va-xalqaro-tajriba>;
2. <https://lex.uz/docs/5793251> Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрь “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 696-сон қарори;
3. <https://lex.uz/docs/5793251> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрь “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарори;
4. Интеграл ёндашув (К. Graves, Е. Laszlo, К. Wilber, М. Zimmerman);
5. “Европада олий таълим” (Higher Education in Europe);
6. “Дунё университетлар янгиликлари” (University World News).